

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг  
ҚАРОРИ**

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКЛАР ШИФОХОНАСИННИ  
МОДДИЙ-ТЕХНИКА БАЗАСИНИ ЯҲШИЛАШ ҲАМДА ДАВЛАТ МУЛКИ  
ОБЪЕКТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-  
ТАДБИРЛАРИ ТҮҒРИСИДА**

Сурхондарё вилоятининг тиббий хизматга эҳтиёжи мавжуд бўлган аҳолисига замонавий ва қулай шароитлар яратиш, юқумли касалликлар шифохонасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат мулки объектларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

**1. Қуидагилар:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ҳудудларида коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида» 2020 йил 20 майдаги 306-сон қарорига асосан Термиз тумани «Қорахон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 1000 ўринли карантинда сақлаш маркази ва 180 ўринли маҳсус шифохона барпо этилганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тасарруфига берилиши белгиланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида» 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4936-сон қарорига асосан 2021 йил учун вилоят юқумли касалликлар шифохонасини реконструкция қилиш ишларига 5,0 млрд сўм ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Мудофаа вазирлиги, Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Термиз шаҳар, Бинафша кўчаси, 92-йй, манзилида жойлашган вилоят юқумли касалликлар шифохонасини Термиз тумани, «Қорахон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида янгидан барпо этилган 180 ўринли маҳсус шифохона биносига жойлаштириш түғрисидаги таклифига розилик берилсин.

**3. Белгилансинки:**

Термиз шаҳар, Бинафша кўчаси, 92-йй, манзилида жойлашган вилоят юқумли касалликлар шифохонаси ҳудудида тиббий ўкув-симуляция маркази ташкил этилади ҳамда шифохонанинг 2019 йилда таъмирланган ҳаво-томчи инфекцияси бўлими биносига вилоят ОИТСга қарши курашиб маркази оператив бошқарув ҳуқуки асосида жойлаштирилади;

«2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш» дастури доирасида Сурхондарё вилояти юқумли касалликлар шифохонаси реконструкцияси қилиш ишларига ажратилган 5,0 млрд сўм маблағ Бандихон тумани тиббиёт бирлашмасини реконструкция қилиш ишларига қайта тақсимланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва Сурхондарё вилояти ҳокимлигининг Термиз тумани, «Қорахон» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган 1000 ўринли карантинда сақлаш марказини белгиланган тартибда оператив бошқарув ҳуқуки асосида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги тасарруфига бериш түғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Сурхондарё вилояти ҳокимлиги манбаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур обьектни қабул қилиш-топшириш ишларини, шунингдек, ундан келгусида самарали фойдаланилишини таъминласин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика ҳудудларида коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар түғрисида» 2020 йил 20 майдаги 306-сон қарорининг 3-банди **тўртинчи хатбоши** қуидаги таҳирда баён этилсин:

«карантин тадбирлари якунланиб, Қарақалпоғистон Республикаси, Наманганд вилоятларида обьектлар Мудофаа вазирлиги томонидан қабул қилиб

олинганидан кейин объектларни сақлаш харажатлари республика бюджетидан Мудофаа вазирлиги учун ҳар иили ажратиладиган маблағлар ҳисобига амалга оширилади».

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2021 йил 21 апрель,  
231-сон

*(Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.04.2021 й., 09/21/231/0364-сон)*